

МАХАЛЛА - СИНОВЛАРДАН ҲАМ ҲАМИША ЭЪТИБОРИМИЗДА

Туманимизда 52 маҳалла йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Улардаги аҳоли сони 141 миң кишини ташкил этади. Маҳалла - ўз ҳудудида халқнинг чиқамак сиёсий қўрғонига айланган. Мавжуд ижтимоий, иқтисодий муаммолар фуқаролар йиғинларида кўриб чиқилиб, уларни бартараф этиш тадбирлари белгиленмоқда.

Шу йилнинг ўтган ўн ойда Оққамар, Лайлакхона, Янгибозор, Жалойир, Дўстлик, Шакарқул сингари ўн битта маҳалла фуқаролари йиғинлари ташкил этилди. Ишчан, билимдон, одамлар билан тил топа оладиган, ташкилотчи, бошбўри кишилар уларга оқсоқол қилиб сайланди.

Оқсоқоллар халқ ишига қамарбаста бўлаётганлар. Ўз ҳудудларида тадбиркорликни йўлга қўйилди. Янги ташкил этилган кичик корхоналарда уч юздан ортиқ йиғит-қизлар ишга жалб этилди. Улар ишлаб чиқараётган моддий неъматлардан истисно ҳолатида янада тўқнаб бېқатилади. Бундан ташқари, кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, ўзгалар парваршига муҳтоб ёлғиз қарииялар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Шу йилнинг ўтган ўн ойда кам таъминланган оилалардан 45 тасига ногиронлардан 170 кишига, бokuв-чиси йўқотганлардан 179 кишига моддий ёрдам берилганлиги фикримизнинг далили бўла олади.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларимизда ночор оилалар ҳам йўқ эмас. Уларнинг ҳали сунат қилинмаган ўғиллари бор. Уйилиб оила қуриш ёшига етган аммо бунга қўли қалти йиғитларни ҳам аниқлади. Сўнг хайрли ишга бош бўлиди. Туман ҳокимлиги бизни қўллаб-қувватлади. 51 нафар болаларнинг қўли ҳалолланди. Уларга совға-саломлар тўртқў этилди. Саккиз жуфт севишдан йиғит ва қизлар маҳалла мусатасиллари кўмагида мустақил ҳаётга қадам қўйишди.

Туман оқсоқоллар кенгаши хотин-қизлар қўмитаси «Камолот» жамғармаси, фуқаролик ҳолати далолатномасини ёзиш бўлими билан ҳамкорликда бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туради. Улуғ саналар арафасида, ҳайит кунлари Меҳрибонлик уйларида бўлиб, бу ерда тарбияланаётган болаларга кийим-кечаклар, совға-саломлар ҳадя этилади. Ҳасталар ҳолидан хабар олиш одат тусига кирган. Уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокчида чегара қўшиларида йиғитлик бурчини ўтаётган аскарлар билан учрашувлар ўтказишни ҳам йўлга қўйганми.

Барча соҳаларда бўлгани каби маҳалла фуқаролари йиғинлари фаолиятининг мазмуни уларда раҳбарлик қилаётган оқсоқолларнинг билимдонлигига, тадбиркорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу бондан ҳам аввало оқсоқолликка тавсия этилаётган кишиларнинг бундай инсоний фазилатларига алоҳида эътибор берилди. Қолаверса, «Маҳалла жонқузурлари», «Тадбиркор маҳалла оқсоқоли», «Энг яхши маҳалла оқсоқоли» мавзуларида ўтқа-

зилаётган кўрик-танловларимизда ҳам оқсоқолларимиз нималарга қодир эканликлари, қобилиятлари шундоққина намоён бўлмоқда.

Фуқароларимизнинг муносиб турмуш тарзи ҳам ҳамиша эътиборимизда. Оилавий тотувлиги, хонадонларнинг орасталиги, ёш ўғил-қизларимизнинг хатти-ҳаракатларидан маҳаллаларимиз оқсоқолари, посбонларимиз хабардор. «XXI аср келинчаги», «Ибратли оила», «Намунали хонадон» кўрик-танловларда юздан ортиқ ёш бекалар, оилалар иштирок этишди. Улардан ўнтаси совринли ўринларни эгаллашди. «Оғоҳликка даъват» мавзусида ўтказилган тадбирда маҳалла посбонлари ўзларининг хушёрликларини, жиноятчиликка қарши курашиш қобилиятига эга эканликларини кўрсатдилар. Дарвоқе, маҳалла посбонлари халқнинг ишончли кўриқчисига айланган. А.Хусанов, Н.Бобомуродов, М.Сариев, У.Мўминов сингари посбонларнинг зийраклиги туфайли Полвонтош, Толли, Беш йиллик, Ободон маҳаллаларида содир этилган ўғирлик жиноятлар ўз вақтида фош этилди. Ўзгалар мулкига кўз олайтирган қимсалар дарҳол қўлга олинди.

Маҳалла давр синовларидан ўтган мустақкам улуғ кўрғон. Оқсоқол эва ана шу кўрғоннинг мусосиб эгаси, халқнинг ишонган сарқори. Демак, оқсоқол зиммасидаги вазира шарафли, айни чоғда ниҳоятда масъулиятли. Буни қалбдан ҳис этган оқсоқолларимиз халқ бошлаган улкан ишларнинг бекамикўст амалга оширилишига раҳнамо бўлишларига ишончимиз қомил.

Ҳолмўмин НОРМАТОВ, Шўрчи туман Оқсоқоллар Кенгаши раиси.



Суратда: чет элликлар Салтанат опа меҳмони

Салтанат Сиддиқова 1943 йилда 2-синфдақ мактабни ташлаб трактор ортдан югурди. Сўнг қолхозда меҳнат қилди. Санъат йўли эса аста-секин шу фаолиятлар давомида уни бутунлай ўзига бўйсундириди. Уни Ўзбекистонда кўчлик таъиниди. Республика миқёсдаги дээрли барча оммавий байрам-сайилар унинг иштирокчиси бўлди. У ҳозир Тошкент ша-

ҳар Акмал Иқромов тумани «Богистон» маҳалласидаги 4 хонали уйда фаолият кўрсатади. Нега бу ўринда унинг 4 хонали хонадони ҳақида гапирмай? Негаки, у ўша хонадонда ўзининг фарзандлари ва невалари билан яшайди ва фаолият кўрсатади. Тасаввур қилинг: бу аёлининг 12 фарзанди, 52 невалари, бир эвараси бор. Шулардан 30 та яқини шу хонадонда

яшайди. Бу ерда бунун «Камалак» фольклор-этнографик ансамблининг жиҳозлари-ю, Салтанат опа яратган минглаб экспонатлардан ташкил топган шахсий музей ҳам бор. Ҳазил-ҳўзўл аралаш «Бу шароитда яшаш қийин эмасми?» деб келинларнинг бирдан сўрайми. Қийин, аммо қизиқ. Бу хонадон кундузи барчамиз учун ишхона. Оиламизнинг ҳар бир катта-

ҲОРМАНГ, САЛТАНАТ ОПА!

Аслида биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қайрамони-миз чарчаб шималигини ёдига келтирмаймиз. Шу бондан унга «ҳорманг» дея илтифот қилишимиз ҳам ўринсизроқдек. Аммо унинг умр давомида халқимиз орасида ҳормай-толмай ҳизмат қилиб, бугун ўзининг 65 ёшида ҳар даврани ўз санъати билан гуллайтиб келаётганидан кўз тегмасин деган маънода «Ҳорманг», деб қўйиш лозим деб ўйлаймиз.

Кичиги ансамбл иштирокчиси, ҳар бири музей учун жонқур. Кеҳкўрун эса биз учун хонадоннинг ҳеч бўлмаса ярми ҳақиқий яшаш учун хонадонга айналди. Хонадон деворининг ҳар бир бўш жойи борки, унда қандайдир воқеани эслатувчи сурат қўйилган ёки бошқа бир тасвир туширилган бўлсин. Қайси бир суратда санъатимиз даргалари Салтанат опа билан

санъат намоиши этишмоқда ёки суҳбатлашмоқда, қайсидир суратда чет эллик санъаткор ёки меҳмон. Музейдан эса Соҳибқирон Амир Темур даври эсадлигидан тортиб ота-боболарни қодирган қумонгоҳча бор. Бутун Салтанат опа 65 ёшга кирди. Унинг эзоқ, санъатнинг умрини қоби узок ва мазмуни бўлсин, Салтанат опа! «Mahalla»чилар.

ХУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

ХАЛҚ ҲУКМИ - ОДИЛ ҲУКМ

Бир неча кундан буён давом этаётган суд жараёни барча ўзбекистонликларнинг ярасини қайта янглади. Чунки бу жиноятчилар ҳаракати ҳар бир юртдош қалбини яралаган эди.

Она тупроғимизда биз билан бирга, ёнма-ён яшаб туриб, биз учун етти ёт бўлган жиноятчи гуруҳларга кириб адошган ватандошларимиз яна ўзимизга қарши тош қўтарилади. Хусусан 16 февраль воқеалари, кейинги Сариев ва Узун туманидаги босқинчилик жанрларида ўша манфур шахсларнинг иштироки борлиги исботланаётган. Пойтахтдаги Шайхонтоҳур туман Шоилҳом Шоюсов номида маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган умумий мажлисда нафақат кенг жамоатчилик, балки, туман прокурори вазирасини ба-

жарувчи М.Ҳамдамов, туман прокурори ўринбосари Х.Турдибоев, прокурор катта ёрдамчиси Б.Игиталиев ҳамда И.Мухамедов, туман судининг раиси А.Ҳикमतов, маҳалла нозирлари Ш.Қомиллов ва Э.Худойназаровлар фаол иштирок этишди.

Мажлисининг умумий йўналишига разм сола туриб, бир нарсаларга қаттиқ ишонч ҳосил қилиш мумкин эди: республикада бўлаётган ҳар бир ижобий ёки салбий ўзгаришлар аввало ўзининг бошланғич нуқтасини оиладан, маҳалла ўчоғидан олади. Шунинг учун Ш.Шоюсовлар маҳалла оқсоқоли А.Назаров, маҳалла котиб Ш.Авазовлар ўз маърузаларида ёшларнинг тарбиясига жиддий эътибор қаратишмоғи лозимлигини таъкидлашди. Зотан, бу маҳалла фуқаролари орасидан ҳам жиноятчи оқимга қўшилганлар ва жазага тортилганлар борлигининг ўзи бу борада жиддий ҳулоса ясашга ундайди.

Маҳалламизда олиб борилаётган тадбирларга қарамай, норасмий тўдаларга кириб қолган ёшлар ҳамон учрамоқда, - деди котиб Ш.Авазов. - Шунинг учун бўлса керак, носоголом фикрдаги диний гуруҳ вакилларининг «урчиб бориши»да маҳалламиз олдинги ўринларда турибди. Афсус!

Прокурор катта ёрдамчиси И.Мухамедова вазиятни таҳлил этар экан, айнан шу маҳаллада яшаб, ўз истиқоматдошларига хиёнат қилган Шерзод Умаров, Файзулла Алимов, Мирориф Турсунбоевлар қайта-қайта оғоҳлан-тирилганга қарамай тўғри йўлни ташламаганиларини афсус билан таъкидлади.

Маҳалла фаолларидан бўлган Пирмат Нурматов маҳалла ҳудудидаги 39-мактаб 9 йиллик эканлигини, уни битирган ёшлар кўпинча бекорчи бўлиб қолишаётганини эслатиб ўтди. Шундай экан, бу ишда мактаб ва маҳалла алоқаларини изчил мувофиқлаш-

тириш, ҳамкорлик фаолиятини янада жонлантириш лозимлигини таъкидлади.

Маҳаллада - халқ хоҳиш-иродаси ошқора ва адолатли юзага чиқадиган масканда барчаннинг фикр-уйлари бир нуқтада бирилади. Норасмий диний оқимларга кириб қолаётган ёшларни ҳеч бир баҳона билан оқлаб бўлмайди. Бундай оқимлар терроризм қайфиятига мойиллиги, бизнинг ота-боболар эътиқод қўйиб келган дини исломга моҳияттан зидлиги қарийб икки йилдан буён тушунтириб келинаётган бўлишига қарамай, шахсий иқтисодий манфаат йўлида ватандошларимиз тинчлик-хотир-ҳамлигига даҳл солинаётган экан, бу ҳаракатларни ҳеч қайси нуқтага назар билан оқлаб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, Ш.Шоюсовлар маҳалласи жамоатчилиги бундай ўткинчи нафс бандларига энг оғир жазолар қўлланилиши лозимлигини бир овоздан таъкидлашди.

КОРАҚАЛПОГИСТОН

ХАЙРЛИ ИШ ГА ЭШ КЎПАЙСА...

Кегейли тумани Халқобод шаҳрида жойлашган «Ота макон» жамғармаси Қорақалпоғистондаги рўйхатдан ўтган 140 та нодавлат, ноижорат ташкилотлари орасида қишлоқларда иш олиб борувчи ягона жамғармадир. «Ота макон» ўзининг ташкил топаннинг икки йиллигини муносиб тарзда нишонлади. Ўтган даврда жамғара 7 та халқаро ва Марказий Осиёда 12 та ҳамда Қорақалпоғистондаги 28 та нодавлат, ноижорат ташкилотлари билан ўзаро алоқа боғлади. Натيجалда амалдаги йилнинг июл ойда ИСАР-Марказий Осиё халқаро ташкилотидан дастлабки грант олинган эриди. Маълумки, маъкур ташкилот АҚШнинг и-

БУГУН НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРДА

Журналистларни қайта тайёрлаш маркази ва Каунтерпарт Консорциум ташкилотчилигида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган семинар амалий ишларни сарҳисоб қилиш ва айниқса кейинги иш режаларини тўғри олишда аҳамиятли бўлди.

туриларни ҳаётта талбий этишда 4 та давлат, 7 та тижорат ташкилотлари ҳамда 10 та маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари жалб қилинди. Ҳозир «Ота макон» жамғармаси ташаббуси билан Германиянинг нодавлат ва ноижорат «Орол болаларига ёрдам» ташкиоти билан Германия республикаси Бундестаги маблагини ҳисобига Кегейли туманида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилди. Яна бир гап. Тўғридан-тўғ-

ри овул жойларида фаолият кўрсатувчи «Ота макон» жамғармасига фақат хорижий эмас, балки Қорақалпоғистондаги ҳо-қимликлар, давлат ташкилотлари ҳам амалий кўмак берадлар дуруст бўлар эди. Чунки экологик офат зонасидаги мушкул вазиятда истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш ва ишлаш шароитини яхшилаш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади. Асилбек ИСКАНДАРОВ, «Mahalla» муҳбири.



— Судек сероб бўлинг, қизим!

ҲАР КИМНИНГ МОЛИ ЎЗИГА БУЮРСИН

Эзулик ва ёвуликнинг ораси бир қадам, дейди доно халқимиз. Қолаверса, ота-боболаримиз инсонларга яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, жилага булса сен уларга ёмонликни ҳам раво кўрма деганлариди қанчалик ҳақ эди. Бирок, ора-мида тинч тотувликка, осудаликка раҳна солишга, ўзгаларнинг муаммолари ўғирлаш ёки талон тароҳ қилишга, тишчини бузишга урилишчи қаламислар учраб туради.

Шунинг учун ҳам жойларда ички ишлар идоралари ҳодимларига яқиндан ёрдам бераётган маҳалла посбонлари фаолиятга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жиноятчилар ўзларининг барозли мақсадларини асосан туманда амалга ошираётганини назарда тутиб туман кўмаклари ҳам жойрий этилган. Натийжада қўли эгри қизларнинг қирди-қорларди фох қилинмоқда.

Тошкент виллоятининг Бўстонлик туманида яшовчи Ноила Шодиева туман ёмиғир ёғаётган бўлса ҳовлидаги нарсаларни олай дея, эшик тўғри юзданга эди, - ҳўжайини соат 2 дан 30 дақиқа ўтибди, нима қиласан шалоббоси чиқадиган ҳеч вако йўқ-ю, деди. Ноила ёмиғир остида қолган уз-буз нарсаларни олди. Охиёқсонга суз кириб кетмадики, дея ҳайлдан ўтказди. Бориб қарасани, кимдир 3 бош молларининг «тағна суви қуйиб» кетибди.

Ярим тулда саёз тўғридан келаётган маҳалла посбонлари ўзларидан бироз нарида кимдир молларни ҳайдаб кетаётганини кўрдилар. Уларни кўрган ўғри эса жуфтасини ретламоқчи ҳам эдики, бунга эиҳл посбонлар йўз қўйишмади. Ноила ва унинг ҳўжайини милицияга хабар беришга кетаётганида молларини улар томонга ҳайдаб келаётган бир тўда йиғитларга кўзи тушди.

Ушбу жиноятни содир қилган Ҳўжаабет кўрониди яшовчи ҳеч қандар ишлаганидан Мақеуд Жумоев эса ички ишлар бўлимида қилишни сабабларини излоҳламда.

Жиззах виллояти Жиззах тумани Тандимтош маҳалласида яшовчи М.Қадлардиннинг бир бош қўли далада ўтлар орған жойида йўқолиб қолди. Анқирғой, қўйин кимдир ўғирлаб кетган эди. Туман ички ишлар бўлими тезкор ҳодимлари ўрнини аниқлаш чора-тадбирларини амалга оширишда ва натийжада муқаддам сулдонган Жиззах шаҳри Нарўз маҳалласида яшовчи С.Мўмин далайга иш билан қўлга олинди. Зафаробод тумани Охўбобоев номи иширатлар бир-даммаси дахласида эса фуқаро А.Абдурауфнинг жон бош қўйини номаълум шахслар ўғирлаб кетди. Хайрияти, унинг бошқа милиция ходимларининг олиб бораган қидирув ишлари эзо кетмади. Қўларини ўғирлаган шу ҳўжаликда яшовчи Умар қалмиғига иқдор бўлди.

Тошкент сақичи шиқроли

Сўнгги йилларда аҳоли, айниқса, болалар ўртасида бўқоқ касаллиги кўпайгани кўзатиляпти.

Бу дардинг олдини олиш учун эса сақич чайнашнинг ўзи кифой экан. Тошкент туманида фаолият кўрсатаётган «Ганжбойжон» Ўзбекистон - Туркия қўшма корхонаси республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда йодланган сақич ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйди. Шунингдек, бу ерда ойига 350 миң тоннага яқин ўнлаб турдаги қандолат маҳсулотлари ҳам тайёрланмоқда. **У.А.**

БАНКДА САРМОЯ ЙИЛАНУВ ТУРСА...

ниг диққат марказида. Шу ўринда фактларга мурожаат қилганда, Нормўмин Ҳотамов «Отамурол» ҳусусий фирмасининг бошлиғи: Фирма гишт ишлаб чиқаришга иқтисосланштирилган. Хом гишт қўйиллаш мавсумий иш. Пишиқ гиштга эса талаб катта. Жисмоний шахсларнинг ҳам, қуриш ташкилотларининг ҳам эҳтиёжи йилдан йилга ортиб бормоқда. Н.Ҳотамов буну ўз вақтида аниглаб етди. Кичикроқ бўлса ҳам гишт заводи қуришга киришиди. Корхонанинг лоийҳа-смета ҳўжатлари тайёр эди. Банкдан 5 миллион 300 миң сўм кредит олдн. Маблагнинг ҳар бир сўми ўз ўрнида ишлаштирилди. Клининг салф-ҳаракатлар зое кетмади. Қиска муддатда шаҳарнинг Газа маҳалласида айойиб бир корхона қад ростилади. Унинг пишқиқ гишт ишлаб чиқариш қуввати ойда 200 миң донга 45 киши ишта жалб қилинган. Қурувчилар корхонада тайёрланаётган маҳсулот сифатидан хурсанд. Янги-янги уй-жойлар, санаят корхоналари иншоотлар пишқиқ гиштдан қад кўтармоқда. Эски бинолар техник таъмирланяпти. Нормўмин Ҳотамов корхона қурилиши учун банкдан олган кредит маблагини муддатидан илгарти тулади. Дурадгорнинг Равшан Мамаёровга ота қасб. Менгли ака Бойсуннинг қўли гул усталаридан эди. У ишлаган мебел

маҳсулотлари хонадонлар қурқига-қурқ қўшарди. Уста Менгли Мамаёров оламдан ўтган, ўғиллари Равшан, Собир, Зокир ва Шокирлар ота ишини давом эттиришди. Дурадгорлик кичик корхонаси очинди. Корхонани кенгайтириш, турли хил сифатли уй-жой анжомлари ишлаб чиқариш қўлайитириш тадбирларини кўрди. Уч миллион сўм кредит ажратилиши сўраб пахта банк раҳбарларига мурожаат қилинди. Илтимослари қондирилди. Корхона шаҳарнинг гажум жойида қурилди. Боз устига корхона маблагини ҳам қўпайди. Банкдан олганин қарз тез фурсатда узилди. Ҳозир ўзининг ҳисоб рақамиди 5 миллион сўмга яқин айланма маблаг бор!

Қодир Норқуловнинг асаларичилик фермер ҳўжалигини ташкил этишда ҳам пахта банк мадалкор бўлган. Белгилаган кредитлар асосида маблаг билан таъминланган. Олинган пул ўз ўрнида ишлатилган. Тадбиркорларнинг ишлари ўнлабни келди. Улар эд дастурхонига нон ва қандолат маҳсулотлари етказиб беришда, шифобахш асал тайёрлашда юксак қўрсаткичлар қўлга киритилди. Корхоналар иқтисодий жиҳатдан ҳам бақувват бўлишти.

Ҳа, туман пахта банки моддий неъмат этиштиришни кўпайтириш ва халқ эҳ-

ХИЗМАТ ПОЧТА ОРҚАЛИ

Тошкентда шундай ишор остида халқаро анжуман ўз ишини бошлади. Унда 20 дан ошмиқ мамлакат, жумладан Голландия, Япония, Россия Федерацияси, Украина, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон, Қозогвистан ва бошқа давлатлар вакиллари иштирок этмоқда.


Бутунжапон почта иттифоқи, Голландиянинг Транспорт, жамоатчилик ишлари ва сув ҳўжалиги вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ташаббуси билан ўтказилаётган маъкур анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда ва бошқа МДҲ давлатларида почта ва молиявий операцияларни раббатлантириш, пулли ҳисоб-китобларнинг халқаро хизматлар тармоғини ташкил этиш, почта бўлимлари орқали банк операцияларини амалга ошириш стратегияси муаммоларини мувокама қилишди.

Анжуманда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директори Ф.Абдуллаев сўзга чиқиб, «Почта алоқаси сўзга ўрсидидаги қонун ижроси, мамлакатимизда почта-молия хизмати кўрсатиш соҳаси истиқболлари ҳақида гапирди, почта алоқаси ва молиявий тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги борасида катта тажрибага эга бўлган етацик мамлакатлар билан тажриба алмашини муҳимлигини қайд этди.

Анжуман уч кун давом этди. **У.А.**

ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

35. САВОА ШАРҲИ БЎЛСА, ЖАВОБ КЎНГНАМАДАН



Чунончи, баъзан маъруза қилаётганингизда, сўзингизни бўлиб, бир неча бор муқаддас китобларга асосланмаган саволларни бериб турадиган кимса чиқиб қолади. Қайсики «муслмонлар, намозхонлар, ҳаром дейилган сизгиретани чекиб юришадилар, носовий чекишадилар, шунга сиз қандай муносабатда бўласиз, нима дейсиз?» каби. Бу савол қанчалар майда гапли ва саводсиз одам томонидан бунёд этилганини пайқаб олиш қийин эмас. Негаки, Қуръони Каримдан бошқа ҳеч қандай «бу ҳаром, бу ҳалол», деб фатво беришга ҳаққи йўқ? Бундай саволни чиқарганлар ўйлаб кўрсангиз, гуноҳнинг қатъисини зиммаларига оляптиларми? Қуръонда ҳаром дейилмагани, биз уни чекиб эмас, лекин фатво беролмаймиз. Қуръони Каримда «ҳаром,

макруҳ» деб оят келтирилгани, уни ҳалол деб қилиб қўлади. Ахир бу Оллоҳга ширк бўлиб қолади-ку. Носовий билан сизгиретани чекишадилар, мен ҳеч қандай манбада уни ҳаром қилинганини учратмадим. Демак фатво бера олмайман. Киши ақлига ишора қилсин, соғлиғини ўйласин ва ўзи ҳулоса чиқарсин. Катта-катта масалалар, ишлар турганда мана шундай бачкана саволлар бериб, одамларни қалғитишининг нима кераги бор? Ёки яна битта шундай савол такрорланиб туради: «Тасбеҳда санайликми ё бармоқлардами?», Тасбеҳ ўғиритиш масаласини жума намозига олиб чиқиб - энди тўғримада. Ақл билан, фаросат билан ҳал бўладиган нарсалар, бу. Зехнингиз ўткир бўлса, адашмасангиз бармоқларини ишлатинг. Йўқса, унутувчан бўлсангиз, адашмасангиз тасбеҳдан фойдаланинг. Ахир тасбеҳ ҳам бармоқлар билан ишга солинади... Одоб, ахлоққа оид, китобий яхши саволлар ҳам бўлади. Масалан, «таомлангандан сўнг лаган ё косани нон билан артади, сўнг нон билан лабини артади, шу тўғрими?» Биродарлар, таом сузилган идишни ялаб қўйиш, қўлда бўлмасанон суртиб, ялаш ва шу нон бурдасини еб қўйиш яхши амал. Савобли бўлади. Негаки, ўша идишнинг ёғлари, овқат қолдиқлари увол бўлмайдилар. Лекин кўп кўрганми,

лабини, идишни нон билан артиб, нон бўлагини отиб юборадиганлар бор. Энг азиз нарсани уволга учрашдики бу. Яна бир гап, улуғ ҳақамларимизнинг айтишича идишнинг ёғлари, қолган овқатлари билан қолдиришдиқ, тўқиб ташлашдиқ ҳам ошқозон-ичак касалликлари ва бошқа касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиб қоларкан. Ҳам савоб, ҳам покизалик юзасидан идишни ялаб қўйишимиз керак бўлади.

Муслмонларимиз орасида ихтилофларга сабаб бўлаётган ақил орқича гаплар ҳақида ҳам гапириб ўтайлик. Бу либослар масаласи, соқол қўйиш масаласи. Мазҳаб та-

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

Дунёда ҳамма нарсага даво бор экан, лекин жоҳилликнинг давоси йўқ экан. Негаки, жоҳил ўзича фикр қилиб бир но-тўғри тўхтамга келса, «буни гапиршидан, бировни сўзига киришдан олдин бир китоб кўрай, бирорта кишидан маслаҳат олай», - деб ўйламас экан.

лашишлар, намоз у масжидда бундай ўқиларкан, бу масжидда бундай... Нега «Оллоҳи Акбар»ни ичиди айтмай ташиди айтмай...? Шунга ўшаган керакисиз гап-сўзлар муслмонлар ўртасида ҳамжихатликка раҳна солмасин.

Эй, муслмон. Оллоҳга ибодат қилсанми, ё масжидга, бошқаларнинг ибодатига айбни қидиришга келганми? У имомни бу имомга ёмон кўрсатиб, ёшларни но-тўғри йўлларга бошлашни бас қилиш керак. Шундан бошқача йўқми? Намознинг фарзлари бузилётгани йўқ-ку? Қанчалар қанча зарур ва савоб ишлар турибди, олдимизда. Қилган ишингиз фитна, ало-

ват, келишмовчилик, гуруҳбозликларга сабаб бўлиб қолмасин, гуноҳкор бўлиб қоласиз... Яратганга ҳамду санолар бўлсин, истиқлол шарофати билан ёшларимиз ҳам дунёвий, ҳам диний илмларни эгаллаб боришайти. «Жума намозини уйда ўқиса ҳам бўлади» - деб сўрашдиби. Жума намозининг сўрашдиби жамоатда, унинг маърузаларида, даъватда. Лекин ёшларимиз билдиб қўйсин, бола то балогатга етгунча ота-онасининг, устозининг измида бўлади. Ота-она, устозлар болага эгалик қилади. Шунинг учун устозми ё ота-онаси руҳсат бермас пешин намозини уйда ўқиш вожиб.

СУҲБАТИ АҲЛИ МУСЛИМ

- Сафарда бир арабий айди савол, Жавобини тинглади бўлди тили лол. Дедим: «Севмоқ Ватанини - жузъи иймон». Деди: мазҳабда боқди қай саодат, Дедимки, аҳли сунаат вал жамоат. Деди: борму Ҳадис билмоққа имкон, Дедим: бобом Бухорий анда султон. Деди: кимдур ақид илму нури, Дедим: устозимиз ал-Матуридий. Деди: кимлар танилғи аҳли шоир, Дедим: Ясавийу, Навоий, Бобур. Деди: қайси шаҳар бор дилга оро, Дедим: Хива, Самарқанду Бухоро. Деди: қай мудлоада Фозилу миллат, Дедим: бунёд ажиб озоди давлат.

Жаҳонда икки кутбга мансуб халқлар - Буюк британиялик ва америкаликларни ўзаро жуда кўп муқофса қилдилар. Тили, дини, баъзи урф-одатлари айнан ўхшаш бўлишига қарамай, ҳар икки халқни бир-биридан ажратиб турадиган фарқлар анчагина.

ЧАРҲИТ ҚИЛАРИ

Америкалик ота-оналар фарзандалари билан фахрланадилар ва бу туйғу билан ки-фояланиб қолмадилар. Балки фарзандаларининг муваффақиятларини ҳар бир инсон билан баҳам қилишни истайдилар. Агар болалар ўзлари хоҳлаган йўлда тарбия олмаётган бўлишса, ўзгартиришга ҳаракат қилардилар. Масалан, уларнинг тишларини тўришлаш ёки фаолият бошлашда ўзларига нисбатан бўлган ишончини ор-тиқ даражада қучайтиришни хуш қўришадилар. Британиялик ота-оналарнинг ўйлашича эса, ортиқ даражада мақтом болаларнинг ортиқ даражада ўзларининг гинга олиб келади. Британияликлар ўз болаларини табиятан қандай бўлса, шундай қабул қилишни афзал қўрадилар, ҳатто уларнинг тишлари хунук бўлса ҳам.

БОЛАЛАРИ

Британиялик ва америкалик ота-оналар ўз болалари билан фахрланадилар, лекин бу фахрланишда ҳам озгина фарқлар мавжуд.



ШАОМ ВА ИЧИМАК

Америкаликлар катта миқдордаги ва туганмас хилма-хил...

ИККИ КУТБ МУҚОЯСАСИ

лиқдаги таомларни яхши кўрадилар, кўпгина Америка таомлари ликопча учун ярамайди. Америкаликлар янги сақлаб туриши учун пластикка ўралган таомларни истеъмол қилишни хуш қўрадилар. Британияликлар фақатгина яшаш учун ейдилар ва ундан роҳатланишни орзу ҳам қилмайдилар. Инглизлар ўз таомларини яхши пишганлигига шубҳа қилмаслик учун қайта пиширадилар. Шунингдек, таомномадан бирор егулик танлашда қийналганлари сабабли узун рўйхатли таомномаларни ёқтиришмайди.

- БЎЙИГА: 1. Ранг. 2. Ривоят қилувчи. 3. Ҳеч қандай ўзгаринмас. 4. Бошқариш. 5. Русча исм. 6. Хўл мева. 7. Осидеги миллат. 8. Пушаймон. 9. Аёл раҳбар. 18. Шиаликдаги асосий оқимлардан бири. 19. Диний концепция. 21. Саломга жавоб. 22. Тибийёт соҳаси. 24. Пайғамбарларнинг хислати. 25. Охират. 35. Кимёвий элемент. 36. Дин. 37. Таом устаси. 38. Ўзбекистондаги шаҳар. 39. Оқар сув. 40. Далил, факт. 41. Жинс. 42. Эркалар исми. 43. Халқаро муқофот.

- ЭНИГА: 1. Овқатта таъм берадиган суюқлик. 4. Россиядаги дарё. 7. Нон тури. 10. Дори. 11. Яқин қариндош. 12. Текис, силлиқ. 13. Олтой ўлкасидаги туркий тилда сўзлашувчи халқ. 14. Тошкентда қадимги даҳа номларидан бири. 15. Вақт ўлчови. 16. Номус. 17. Мураккаб. 20. Ўрта, ўртача. 23. Ифлос пахта. 25. Полиз экин. 27. Муқаддас китоб. 28. Аёллар исми. 29. Айтсам...? қуяди, айтмасам дилим (мақолдан). 30. Россияда 1905 йилда ташкил топган конституцион-демократик партия аъзоси. 31. Нур, ёруғлик. 32. Илм-сиз киши бирни йиқар,...? киши мингги (мақол). 33. Денгизда яшайдиган йирткич. 34. Тез ҳаракат қилувчи, чаққон. 35. Спорт кийими. 38. Катта киши. 41. Хайрли, савобли иш. 44. Пайғамбар. 45. Маҳфий гап. 46. Эркалар исми. 47. Пайғамбаримизнинг яқин дўстлари. 48. Билим манбаи. 49. Тепаси ярим айлана шаклидаги дарвоза. 50. Болали хотин. 51. Ибодат. 52. Иссон танасининг шариятта мувофиқ беркитиб юрилиши талаб қилинадиган қисми. 53. Эркалар исми.

MANALLA га Тахрир хайъати: Шухрат ЖАЛИЛОВ, Иброҳим РАХИМ, Расул РАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ. Масьул котиб: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Олим БЕҒАЛИЕВ. Сахифаловчи: А. ЮЛДАШЕВ. ИВМ компютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

ҚУЛ УБАЙДИЙГА ҚАЙТИШ...

Мен 1949 йили Тошкент давлат университетининг Шарқ факультетида ўқишимни тугаллаб, илм йўлидан кетмоқчи бўлдим ва Академиянинг Шарқ қўлёзмалари институти аспирантурасига кирдим. Бу ерда менга илк ёрдам қўлини чўзганлардан бири Михаил Александрович Салъе бўлди.

М.А.Салъе «Минг бир кеча»ни рус тилига таржима қилиб, дунёга номи кетган олимлардан бири эди. У киши менга номзодлик диссертациясига мавзу сифатида Шайбонийхондан кейин Бухорода подшоҳлик қилган унинг акасининг ўғли Убайдуллохоннинг (1487-1539) шеърини девонини тавсия этди. Убайдуллохон подшоҳ бўлиш билан бирга гоёт истеъдодли шоир ҳам бўлиб, «Қул Убайдий» тахаллуси билан қалам тебратиб, уч тилда - ўзбек, форс ва араб тилларида ўзидан бой адабий мерос қолдирган экан. Унинг Шарқ қўлёзмалари кутубхонасида 8931 рақами билан сақланаётган қўлёзма девонини Михаил Александров қўлида ушлаб туриб:

«Бу дунёда яққаю ягона ноёб қўлёзма. Уни ҳам ҳеч қим ўрганмаган. Бунга ўргансангиз, жуда савоб иш бўлур эди!» - дегани ҳали эсимда. Мен унинг таклифига рози бўлдим ва жадал ишга киришдим. Унинг уч тилдаги девони чиндан ҳам улуғ бўлиб, 500 га яқин ғазал, 1000 га яқин рубоий ёзгани, Аҳмад Ясавий ҳикматлари йўлида 200 дан ортиқ ҳикматлари, нома ва шеър турларига оид асарлари мени ҳайратга солди. Ҳусайн Бойқароман сўнг Ҳирот тахтига ўлтирган подшоҳлар - Бадиуззамон билан Музаффар Мирзонинг Шайбонийхон ҳужумига бардош беролмай, отасини ташлаб, шармандаларча, номардларча бошқа юртга қочиб кетгани ҳақидаги ғазал айниқса мени қаттиқ ҳаяжонландирди:

Қочибки шаҳ бача, кетти Ҳири диёриндиди. Халос бўлди улус ишонинг шириндиди. Турарга чора топа олмайми, қочиб кетди; Кетарга майли йўқ эрди ўз ихтиёриндиди. Не иш умр ила, не рўзгор ила бўлди; Тўбтур эрди амон рўзу рўзгориндиди. Солиб эвини, қочиб борди тулукдек, оҳ! - Таваҳхум айлабон ул шеринг шикориндиди... Нақадар зўр шеър - Тарихий аҳамияти эга бўлган асар!.. Бошлаган ишмдан яхши натижалар чиқишига ишондим. Меҳр билан ишни давом эттирдим... Бироқ бир йилдан кейин ишни тўтатишга мажбур бўлдим. Халқимизда бир мақол бор! «Сенга замон боқмаса, сен замонга боқ!» Уша йиллари подшоҳлардан чиққан, диний ақидалар бўйича иход қилган шоирлар бошида қилич ўйнар эди. Бу мавзунини ишласам, подшоҳ-шоирлар қатори меннинг ҳам жаҳаннамга кетишим турган гап эди. Устозим Ойбек дом-ланинг маслаҳатлари билан мен Навоий бўйича яхши мавзу олдим. Уни тез ва муваффақиятли яқунлаб, улуғ шоир ижодининг турли масалалари бўйича кўп китобларим босилди, мақолаларим эълон қилинди ва эл-юрт олдидан Навоийшунос олим сифатида танилдим...

Лекин ҳамма вақт бир армон билан яшар эдим. Ўзимни улуғ шоир Қул Убайдий руҳи олдига айбдордек, унга хиёнат қилгандек сезар эдим. Убайдийга қайтиш учун қулай фурсат юз беришини кутар эдим. Оллоҳга минг бор шукрурлар бўлсин! Ниҳоят шундай замон келди ҳам. 1991 йилиёқ «Шарқ юлдузи» журналининг 10-сонида «Фароғати бор, дўстлар галосининг» деган сарлавҳа остида Убайдий ҳақида махус мақола ҳамда шоир шеърларидан бир қанча намуналар эълон қилдим. 1994 йили эса «Ёзувчи» нашриёти «Қул Убайдий. Вафо қилсанг» деган китобимни нашрдан чиқарди. Бу - Убайдий асарларининг тарихда биринчи нашри эди. Яна энг муҳими, мен 1992 йили Ойбек номидаги Термиз давлат университетининг битирувчи талабаси Муҳаммадхон Абдуллаев билан танишдим. У эски ёзувни яхши ўқир, уч тилни билар ва адабиётга муҳаббати бор йигит экан. Мен уни аспирантурага ўқишга таклиф қилдим ва унга «Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти» мавзусидаги илмий ишига раҳбарлик қила бошладим. Истеъдодли ёш олим 2000 йилнинг май ойида шу мавзуда муваффақият билан номзодлик диссертациясини ёқлади.

Абдулқодир ХАЙИТМЕТОВ

БОШҚОТИРМА

Grid for a crossword puzzle with numbers 1-53.



Кўй (21.03-21.04). Ҳафта давомида кайфиятингиз баланд, ишларингиз самарали бўлади. Ҳафта ўрталарида айрим тўсиқларга дуч келишингиз мумкин. Аввало, сизни алдаб кетишлари эҳтимоли бор. Дам олиш кунларига бориб, ҳаммаси бахти тушиб кетади. Яқинда кунни кўнглига мос ҳаридлар қиласиз.

Буюк (22.04-20.05). Шу кунларда бироз толқин рўй беради. Буян асло азият неманг. Чунки кейинги кунларда юз берадиган хурсандчиликлар бунга ювиб кетади. Ҳафтанинг охириги кунларида бизнес ва молия соҳасида омаднинг юришиб кетса, ажаб эмас.

Ўғизлар (22.05-21.06). Утаётган ҳафта сизни ҳар қўйга солади. Айтилик, ҳафта боши ва охирида кўтаринки кайфиятга бўласиз. Ҳафта ўрталарида бироз толқин юз беради. Дам олиш кунларида махбуб ёки махбубанинг кўнглини овлашга ҳаракат қилинг.

Қисқибка (22.06-22.07). Буржлар сизга молиявий соҳада яхши ваздалар қилаётди. Чоршанба ва шанба кунларида мўмай даромадларни қўлга киритишнинг мумкин. Дам олиш кунларида очқ ҳавода мириқиб ҳордиқ чиқариши маслаҳат берамиз.

Арслон (23.07-22.08). Ўзингизни вазин тутинг. Пайшанба ва жума кунларида моддий рағбатларга сазовор бўласиз. Бир қатор муаммоларга тўхнашасиз. Ҳафта ўртасида махбуб ёки махбубанинг кўнглини овлашга ҳаракат қилинг. Дам олиш кунлари яхши харидлар ва ҳордиқ учун қудай.

Паризод (23.08-22.09). Ҳафта ҳайрли бошланади. Чоршанбада молиявий ишларингиз юришадилар. Ҳафтанинг дам олиш кунларида махбуб ёки махбубанинг билан бирга бўлинг.

Тарози (23.09-22.10). Ҳафта давомида бизнес соҳасида ладил ишларга бемалол кўп урсаниш бўлади. Жума ва якшанба кунларида тузилган битимлар самарали бўлиши аниқ. Шунингдек ушбу ҳафтада қайноқ иш қўчғонига бўласиз. Охиёқ-оқиёда сизни моддий рағбатларга сазовор этадилар.

Чаён (23.10-22.11). Ҳафта рағ-баранг учрашулар ва тасолифларга бой бўлади. Хушхабарлар билан нуга киринмасиз. Ҳафтанинг кейинги ярмида моддий имкониятингиз яхшиланади. Чоршанбада аҳолининг яхшиланади. Иш ҳафтасининг охирида ўзингизни вазингизни ҳаракат қилинг.

Ўқотар (23.11-21.12). Ҳафта бироз толқин билан бошланганига қарамай пайшанба кунин пул топши имконияти туғилади. Шунингдек, соғлигингиз ҳусусида қайғурини ҳам эсдан чиқарманг. Булар кайфиятингизни кўтарди. Дам олиш кунларида ҳордиқ чиқарсангиз айни муддао бўлади.

Тоғ экин (22.12-19.01). Ҳафта амалий битимлар тузиш билан бошланади. Навбатдаги кунларда ҳам аҳолининг ёмон бўлмайди. Шу босе бўлса керак, дам олиш кунларида ҳордиқ чиқаришга мойиллик қуянда.

Ковга (20.01-18.02). Ҳафта бошида ва охирида айрим масалаларда (ўзаро муносабат, солиқ) муаммолар туғилиши мумкин. Буларга жиддий эътибор беринг. Ҳафтанинг пайшанба кунлари тузилган амалий битимлар яхши самара келтиради. Шунингдек, ҳафта давомида дам олишга жиддий эътибор беринг.

Балиқ (19.02-20.03). Ҳафта бошидаги хушхабарлар сизга қувонч бахш этса ажаб эмас. Чоршанба кунда молиявий аҳолининг ўнганди. Бу имкониятни қўлдан бой берманг. Ҳафта охирига бориб, махбуб ёки махбубанинг кўнглини овлаш.

MANALLA га обуна бўлиш учун ҳеч қачон қили эрта ёки кеч деб ўйламанг.

MANALLA га Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ. Тахрир хайъати: Шухрат ЖАЛИЛОВ, Иброҳим РАХИМ, Расул РАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ. Масьул котиб: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Олим БЕҒАЛИЕВ. Сахифаловчи: А. ЮЛДАШЕВ. ИВМ компютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.